


**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI**

**GLOBALLASHUV SHAROITIDA UMUMTA'LIM  
MAKTABLARIDA ZAMONAVIY TA'LIM  
TEXNOLOGIYALARINI JORIY QILISH:  
MUAMMO VA YECHIMLAR**

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami



Qarshi, 23 noyabr 2019 y.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI**

**QASHQADARYO VILOYATI XALQ TA'LIMI XODIMLARINI  
QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI  
OSHIRISH HUDUDIY MARKAZI**

**“GLOBALLASHUV SHAROITIDA UMUMTA'LIM  
MAKTABLARIDA ZAMONAVIY TA'LIM  
TEKNOLOGIYALARINI JORIY QILISH:  
MUAMMO VA YECHIMLAR”**

**Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami  
23 noyabr 2019**

---

**ВНЕДРЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ  
В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ  
В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ:  
ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ**

**Сборник материалов республиканской  
научно-практической конференции 23 ноября 2019**

---

**THE INTRODUCTION OF MODERN TECHNOLOGY  
IN SECONDARY SCHOOLS IN THE  
GLOBALIZATION PROCESS:  
PROBLEMS AND SOLUTIONS**

**Collection of the materials of republican scientific-practical  
conference november 23, 2019**

**QARSHI- 2019**

Bugungi kunda inson ma'naviyatiga qarshi yo'naltirilgan, bir qarashda arziyasiz bo'lgan tuyuladigan kichkina xabar ham axborot olamidagi globallashuv shiddatidan kuch olib, ko'zga ko'rinmaydigan, lekin zararini hech narsa bilan o'lchab bo'lmaydigan ziyon yetkazishi mumkin. Bunday salbiy holatlarni oldini olishda mamlakatimizda salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda va shu sohada ishlarining amaliy isboti sifatida yoshlarni bo'sh vaqtlarini unumli o'tkazishlari uchun turli klub, to'garaklar faoliyatini misol keltirsak bo'ladi. Ayniqsa, yosh ilmiy izlanuvchi yoshlar uchun yaratilgan imkoniyatlar, ilmiy izlanishi vaqtida yuzaga keladigan turli to'siqlarning bartaraf etilayotganligi biz, yoshlarni birdek quvontirmoqda. Muhtaram yurtboshimiz Sh.M.Mirziyoyev bunday salbiy odatlar va ularning oldini olish haqida quyidagi so'zlarni aytgan edilar: "Farzandlarimizning turli radikal va zararli g'oyalari ta'siriga tushib qolishiga yo'l qo'ymaslik - asosiy vazifamiz. Bu boradagi ishlarni yangicha yondashuvlar bilan davom ettirishimiz kerak. Jumladan, davlat-xususiy sheriklik asosida yangi madaniyat va istirohat bog'larini tashkil etish ularni zamonaviy yoshlar maskanlariga aylantirish choralarini ko'rish zarur. Ushbu bog'lar tarkibida birinchi navbatda sport maydonchalari, amfiteatr va kichik sahnalar, kutubxona, "Kito kafelari" bo'lishi lozim"<sup>39</sup>.

XXI asrda yoshlarni ma'naviy merosimiz namunalarini bilan muntazam ravishda tanishtirib borish ma'naviy tahdidlarga qarshi kurashning eng samarali yo'li hisoblanadi. 2018-yilning 28-dekabr sanasidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi yoshlarning milliy ma'naviyatini rivojlantirish va ularda vatanparvarlik hissinin shakllantirish haqida quyidagi gaplarni keltirib o'tganlar. "...Buyuk alloma va adiblarimiz, aziz-avliyolarimizning bebaho merosi, yengilmas sarkarda va arboblarning jasoratini yoshlar ongiga singdirish, ularda milliy g'urur va iftixor tuyg'ularini kuchaytirishga alohida e'tibor qaratishimiz kerak. Shu maqsadda, O'zbekiston Milliy teleradio kompaniyasi tarkibida "O'zbekiston tarixi" kanalini tashkil etib, ilmiy jamoatchilik, ijodkor ziyolilarimiz bilan birgalikda uning dasturlarini puxta shakllantirish kerak"<sup>40</sup>.

Xulosa qilib aytganda, bugungi rivojlanish davrida kuchli ma'naviyatga ega yoshlarni tarbiyalash uchun amaliy ishni ularning ongiga qadriyatlarimiz, urf-odatlarimiz va milliy davlatchiligimiz tarixini o'rgatishdan boshlashimiz zarur. Shundagina biz yoshlarimizni, shu bilan birga xalqimizni har qanday yovuz kuchlar va ma'naviy tahdidlar to'fonidan omon saqlaymiz, ular qalbida yurtga sadoqat, vatanga muhabbat tuyg'ularini shakllantira olamiz.

#### Foydalaniilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Karimov.I.A. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. -T.: Ma'naviyat, 2008.B.111
2. <http://library.ziyouet.uz/uzc/book/download/98277>
3. Milliy istiqlol g'oyasi:O'zbekiston Respublikasi bakalavriat bosqichi uchun darslik. - T: Akademiya nashriyoti, 2005. B.81
4. <https://president.uz/oz/lists/view/2228#>

### ТАДҚИҚОТЛАРДА "ШАХАР" ТУШУНЧАСИНИНГ ТАХЛИЛИ (ҚАДИМГИ ШАХАРЛАР МИСОЛИДА)

И. Ю. Хидиров,  
ҚарДУ II-курс магистри

Тарихий-маданий тараққиёт босқичларида шундай жиҳатлар борки уларни бир-бири билан қиёслаш асосида ўрганиш қўйилган масалага кўпгина ойдинликлар киритиши тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Ўрта Осиё, умуман жаҳон тарихида рўй берган урбанистик (шахарсозлик) жараёнлар хусусида турли даврларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини ўрганиш ва қиёслаш бу жараённи ҳар томонлама таърифлаш

<sup>39</sup> <https://president.uz/oz/lists/view/2228#>

<sup>40</sup> <https://president.uz/oz/lists/view/2228#>

ю'lib  
o'zga  
nkin  
a shu  
turli  
chun  
taraf  
oyev  
lilar  
lik  
erak  
tish  
g'lar  
itob

маскани беради. Шунинг учун ҳам илк шаҳарлар тарихини асл манбалар – археологик ва маълумотларга таянган ҳолда таҳлил этиш – жамиятда рўй берган қадимги тарихий-маданий жараёнларни англаб етишда бекиёс аҳамият касб этади [1].

Илмий адабиётларда кўплаб учрайдиган «урбанизация» («шаҳарланиш», «шаҳар-созлик», «шаҳарсозлик» ёки «шаҳарсозлик маданияти») тушунчасининг моҳият ва мазмунини тадқиқотчилар турлича талқин этиб, бу борада улар орасида ягона концепция яратилмаган. Бу йўналиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борган мутахассисларни Б.Эшов шартли ҳолда куйидаги гуруҳларга ажратишни таклиф этади [2]:

1-гуруҳ хорижлик тадқиқотчилар. Улар XX асрнинг 50-70 йилларида чоп этилган асарларида шаҳарлар жамият таракқиётида етакчи ўринда туришини таъкидлаган ҳолда, шаҳар атрофлари ҳам шаҳар қулайликларидан кенг фойдаланганлигини эътироф этадилар [3].

2-гуруҳ тадқиқотчилари турли ҳудудларда шаҳарларлар сонининг ортиб бориши ва шаҳар аҳолисининг кўпайиб боришини асосий мезон қилиб олгандилар [4].

3-гуруҳдаги тадқиқотчилар ўз илмий ишларига миграция (маълум ҳудуд аҳолисининг шаҳарларга кўчиши) қадимги йўللар ва халқаро алоқалар жараёнларини асосий мезон қилиб олган [5].

Турли тармоқлар марказлашган ҳудуд сифатида шаҳарларнинг аҳамияти аввало, зич қўрилган иншоотлар ва маҳобатли меъморчиликнинг ривожланиши билан изоҳланадиган тарихий хусусиятларда ўз аксини топади. Маълумки, ибтидоий жамоа муносабатлари қурилиши билан меъморчиликда, одатда, шаҳар марказларида жойлашадиган нуфузли иншоотлар – қалъа, сарой ва ибодатхоналар мажмуаларининг ўзига хос қурилиш услублари қилиб чиқилади [6]. Аҳоли жойлашувининг миқдорий белгилари турли хўжаликлардаги, биринчи навбатда, деҳқончилик тизимидаги аҳоли зичлиги билан мос тушмоғи лозим. Маълум ҳудудни ёки аҳоли масканини шаҳар сифатида изоҳлашда ташқи миқдорий кўрсаткичлар билан бирга ички сифатий ва тузилишга оид ўзгаришлар ҳам ниҳоятда муҳимдир [7].

Жойлашган ўрни ва бажарган вазифаларига қараб, «шаҳар»ни таърифлаш турлича бўлиши билан бирга улардаги умумийлик ҳам бор. Шаҳарлар учун фақат бир нарса – улар бир-бирига туташ (нисбатан бўлса ҳам) манзилгоҳларни, аҳоли яшаш ҳудудини, бир нечта ҳоҳишда жойлашган турар жойларни ўзида акс эттириши умумийдир.

М.Вебернинг таъкидлашича, «шаҳар» дейилганда бу атамадан бошқа яна бир миқдорий белги-шаҳар йирик аҳоли маскани эканлиги ҳам назарда тутилади [8]. Тадқиқотларга қара, ушбу атама ўз маъносига деярли мос тушади. Хусусан, Ўрта Осиё, умуман жаҳон тарихидаги энг қадимги шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиши таҳлил этилганда ушбу таъкирнинг тўғрилиги аён бўлади.

Тарихий тушунча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар – аҳоли бу ерда зич тўпланиб қўрилган йирик масканлар, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳамда маданий марказлар, тарихий иктисодий, савдо-сотик ва хунармандчилик каби турли вазифаларни бажарувчи ўзига хос марказлар сифатида кузатилади ва талқин этилади. Ўтган асрнинг 70-йиллари адабиётларида қадимги масканларнинг паҳса уйлардан иборат зич қурилган иншоотларини ҳисобга олган Б.А.Литвинский ва В.М.Массоннинг таъкидлашича, илк шаҳар марказларининг умумий майдони-ҳудуди Месопотамия ва қадимги Бактрия учун 6-7 гектардан иборатдир. Тадқиқотчилар айнан шунга ўхшаш, яъни, майдони 6-7 гектардан ортиқ барча қадимий аҳоли масканларини «шаҳарлар» деб эътироф этганлар [9].

«Шаҳар» тушунчасини турли тадқиқотлар асосида таҳлил этиб талқин қилар эканмиз, шунга алоҳида эътибор бериш лозим бўладики, бу тартибда асосий белги шаҳарнинг ўзи ҳисобланади. Ушбу йўналишда «шаҳар» тушунчасини ҳар томонлама изоҳлаш ниҳоятда муҳимдир. Демак, бу борадаги айрим тадқиқотчилар қарашларини қиёслаш мумкин. И.Дьяконов XX аср 60-йилларининг охирларида «шаҳарни» атроф уй-кўрғонлар унга туташ марказ, шунингдек, ихтисослашган хунармандчилик, маҳсулот ва бошқа турдаги алмашувлар ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захиралари маркази деб ҳисоблаган [10].

XX асрнинг ўрталарида инглиз олими Г.Чайлд бошқа белгилардан ташқари аҳолиси 5000 ва ундан ортиқ бўлган қадимги Шарқ аҳоли яшаш ҳудудларини «шаҳар», деб ҳисоблаш мумкинлиги ҳақида таклиф киритган эди [11]. Бу ҳолат, мисол учун деҳқончилик аҳолиси-

нинг зичлиги юкори бўлган Месопатамия учун хос бўлиши мумкин. Аммо, бошқа худудлардаги аҳолиси анча кам бўлган кичик шаҳарларни маълум бир тоифаларга ёки гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотчилар «шаҳар» тушунчасини уларнинг бажарган ижтимоий-иқтисодий вазифалари ҳолати нуктаи назаридан ҳам ифодалайдилар. Бу борада илмий адабиётларда бир-бирини инкор этувчи турли фикрлар мавжуд. Айрим хорижлик олимлар аҳоли масканларининг босқичма-босқич ривожланишида сиёсий жиҳатдан устун мавқега эга бўлган ҳар қандай кишлокни шаҳар деб эътироф этадилар [12].

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, аҳолиси дехқончилик билан шуғулланмайдиган масканларнинг барчасини шаҳарлар каторига киритишни таклиф этадилар [13]. Яна бир гуруҳ олимлар фақат сиёсий марказ вазифасини бажарган масканларни шаҳарлар деб ҳисоблайдилар [14].

Ўрта Осиёда қадимий урбанизация жараёнларининг ривожланиши масалалари ҳақида кўплаб тадқиқотлар талаб этади. «Шаҳар» тушунчасини, шаҳарлар тарихини таҳлил этиш жараёнида марказий пойтахт шаҳарларидан ташқари аграр (деҳқончилик) шаҳарлар, савдо-сотиқ шаҳарлари, денгиз ва йирик дарёлар қирғоқларидаги порт шаҳарлар ривожланганлигини кузатиш мумкин. Ҳар бир тарихий давр, ўша давр тарихий-маданий жараёнлари ўзига хос хусусиятлари ва тараққиётидан келиб чиқиб, ўзига хос «шаҳар» тушунчалари бўлади. Мисол учун, «илк шаҳарлар», «шаҳар-давлатлар», «антик давр шаҳарлари», «ўрта аср шаҳарлари» ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам урбанизация жараёнининг турли даврлардаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, хронологик жиҳатдан шаҳарларни энг қадимги, қадимги, ўрта асрлар ва замонавий шаҳарларга ажратиш мумкин. Бу ўринда улар турли даврда бажарган турли вазифаларни ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда муҳимдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Т.: Фан ва технология. 2008. Б.17.
2. Эшов Б. Ўрта Осиёнинг..., Б.18.
3. Childe H.D. The Urban Revolution. In Town Planning Review, 1950; Mellart S. Catal Huyuk a Neolithic Town in Anatolia. – London, 1967; Adams R. McC. The Evolutional Urban Society Chicago, 1966; Adams R. McC, Nissen H.S. The Uruk countryside. The natural setting of urban Society. – Chicago-London, 1972.
4. Дьяконов И.М. Проблемы города Вавилонии // Древний Восток. Города и торговля. – Ереван: АН Арм. ССР, 1973; Массон В.М. Типология древних городов и исторический процесс Древние города. – Л.: Наука, 1977.
5. Сайко Э.В. Становление города как производственного центра. – Душанбе: Дониш, 1973; Заднепровский Ю.А. Типология и динамика развития городских поселений древней Ферганы Древний город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973; Сарияниди В.М. Бактрия в эпоху бронзы. – СА. – М. 1974. - №4.
6. Дьяконов И.М. Проблема города в Вавилонии II тыс. // Тез.докл. Всесоюзного симпозиума. – Ереван: АН Арм ССР, 1969. – С. 18-21.
7. Эшов Б. Ўрта Осиёнинг..., Б.19.
8. Вебер М. Избранное. Образ общества. Город. – М.: Наука, 1994. – С. 310.
9. Литвинский Б.А. Древний среднеазиатский город... – С.110.; Массон В.М. Типология древних городов и исторический процесс // Древние города. Материалы к всесоюзной конференции. – Л.: Наука, 1977. – С. 5-6.
10. Дьяков И.М., Якобсон В.А. Проблема города в Вавилонии II тыс до н.э // Тез.докл. Всесоюзного симпозиума. – Ереван: АН Арм ССР, 1969. – С. 18-21.
11. Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок. – М.: 1956. – С.63.
12. Blanton R.E. Regional wolution in the valley of Daxasa // Journ. Of Field Archaeology. 1975 Vol. 6 – P. 4-6.
13. Tosi M. Prehistorik Sistan. Rome. 1983; Андрев Ю.В. Ранние формы урбанизации // ВДИ М., 1987. №1. – С.3-19 ва бошқ.
14. Markus J. Anthropology. 1976. Vol. 5; Большаков О.Г. Якобсон В.А. Об определение понятий «шахр» и «ушунча» // ВДИ М., 1987. №1. – С.3-19 ва бошқ.